

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.В.02.08  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАЙИТОВ ДАВРОН ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ**

**ҚУЁН ЗОТЛАРИ ОРГАНИЗМИНИНГ ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ  
ВА ЧИДАМЛИЛИК СТАТУСЛАРИГА НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАРНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (phd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ҳайитов Даврон Ғайбуллаевич**

Қуён зотлари организмнинг физиологик-биокимёвий ва  
чидамлилик статусларига ноқулай омилларнинг таъсири ..... 3

**Ҳайитов Даврон Ғайбуллаевич**

Влияния неблагоприятных факторов на физиолого-биохимические и  
иммунологические статусы организма пород кроликов ..... 21

**Khayitov Davron G‘aybullayevich**

Effects of adverse factors on the physiological, biochemical and  
immunological statuses of the organism of rabbit breeds ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.В.02.08  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАЙИТОВ ДАВРОН ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ**

**ҚУЁН ЗОТЛАРИ ОРГАНИЗМИНИНГ ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ  
ВА ЧИДАМЛИЛИК СТАТУСЛАРИГА НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАРНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/В250 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ражамуродов Зайнитдин Туробович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Матчанов Азат Таубалдиевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Каримов Олим Расулович**  
биология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: [m\\_nasrullayeva@mail.ru](mailto:m_nasrullayeva@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С. Бакиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**М.С. Кузиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология бўйича фалсафа доктори

**Х.Қ. Хайдаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда бутун дунёда аҳоли сонининг жадаллик билан ортаётганлиги боис, мавжуд гўшт захираларидан (қорамол, қўй-эчки ва бошқ.) озиқ-овқат сифатида кенг кўламда фойдаланиш ҳайвонлар бош сонининг кескин камайишига олиб келмоқда. Паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда асосий заҳира манбалари ҳисобланади. Шу боис, қуёнларни экстремал шароитларда парваришлаш ва озиқлантиришнинг қулай шароитларини аниқлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали гўшт танқислиги муаммосини ижобий ҳал қилинишига эришиш мумкинлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда кейинги йилларда ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсири остида қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонлари маҳсулдорлиги ва турли инфекцион ҳамда инвазион касалликларга қарши табиий чидамлилигининг пасайиши, улардан олинадиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашуви ва бош сонининг камайиб кетишини олдини олиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз аҳолисини сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда, чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини такомиллаштириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширувчи инновацион услублар ишлаб чиқиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «.....мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг экстремал омиллари таъсирига мослашаётган қуён зотларининг физиологик-биокимёвий кўрсаткичларига, маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш, улар организмда рўй берадиган ўзгаришларни биологик жиҳатдан асослаш илмий-амалий аҳамият эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 августдаги 647-сон «Республикада қуёнчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Куёнлар организмнинг гомеостатик тизимига стресс омилларнинг таъсир механизми ва хусусиятларига оид маълумотлар хориж олимлари П.Д.Горизонтов (1981), Н.А.Балаксирев (2000), С.Н.Александров (2005), Е.О.Ewuola (2010), J.Henning (2015) ишларида баён қилинган. Куёнларнинг гематологик кўрсаткичлари, уларнинг ташқи муҳит омиллари таъсирида ўзгарувчанлиги хорижда А.Г. Васильева (1989), Р.Н. Dijk (1997), И.Ф. Драганов (2008), К.С. Wang (2016)лар ва мамлакатимизда У.Ш.Балласов, Ш.К.Маматиминов (2016) лар томонидан олиб борилган изланишларида қайд қилинган.

Аммо илмий адабиётларда ва бошқа манбаларда куён зотларининг физиологик, биокимёвий ва бошқа кўрсаткичларига ташқи муҳит омиллари, жумладан, паст ва юқори ҳароратлар ҳамда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаларининг таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар учрамаганлиги, бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Шу боис, мамлакатимизда куёнчиликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий маҳсулдорлиги паст куён зотларини юқори маҳсулдор зотли куёнлар билан чапиштириш орқали олинган дурагай авлодлар ва хориждан келтирилиб, иқлимлаштирилаётган зотларнинг экстремал шароитга мосланувчанлигини баҳолаш борасида тадқиқотлар олиб бориш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Зарафшон воҳаси ҳайвон ва ўсимликлари маҳсулдорлигини ошириш, атроф-муҳитни ифлосланишини баҳолашни экофизиологик, генетик, биотехнологик ва биокимёвий жиҳатларини ўрганиш” (2010-2017) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Зарафшон воҳаси иқлим шароитига мослашган (Шиншилла) ва мослашаётган (Янги Зеландия) куён зотлари организмнинг физиологик-биокимёвий ва чидамлилик статусларига ноқулай омилларнинг таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

оптимал шароитда (шартли экологик тоза ҳудудда, 10°C-30°C ҳароратда парваришланган ва нормал рацион орқали озиклантирилган) куён зотлари организмнинг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини аниқлаш;

ноқулай шароитда (шартли нисбатан ифлосланган экологик ҳудудда, критик ҳароратда парваришланган ва мўътадил озикланиш рацион билан

озиклантирилган) куёнлар организмидаги морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришларини баҳолаш;

оптимал ва нокулай шароитда куён зотлари организмининг чидамлилиқ статусларини аниқлаш ҳамда тавсифлаш;

куёнлар маҳсулдорлигини ошириш учун атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ва ташқи муҳит ҳароратининг ўзгарувчан даражалари таъсирига боғланган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида куёнларнинг маҳаллий Шиншилла ва хориждан келтирилган Янги Зеландия зотлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** куёнлар организмининг физиологик ҳолатлари, қоннинг гематологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари, муҳитнинг ҳарорати ва атмосферанинги ифлосланиш даражаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** диссертация ишини амалга оширишда умумқабул қилинган замонавий физиологик, гематологик, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилояти ҳудуди шароитига мослашган ва мослашаётган куён зотлари организмининг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига табиий-иқлимий стресс-омилларининг таъсири қиёсий аниқланган;

куён зотлари организмининг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларининг ташқи муҳитни нокулай омиллари таъсирида юз берадиган ўзгаришларни физиологик механизмлари асосланган;

муҳитнинг турли ифлосланиш даражаларида ҳудуд шароитига мослашган ва мослашаётган куён зотлари организмининг ҳимоя потенциали баҳоланган;

куёнларни парвариш қилиш бўйича атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ва ташқи муҳит ҳароратининг ўзгарувчан даражалари таъсирига боғлиқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқ қилинган куён зотлари организмининг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари оптималлашадиган атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ва ташқи муҳит ҳароратининг меъёрлари аниқланган;

куёнларни атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ва ташқи муҳит ҳароратининг ўзгарувчан даражалари турли хил бўлган ҳудудларда парваришlashда озуқавий омилларнинг таъсири аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал тадқиқот ишларини бажаришда ҳайвонлар ва таҳлил намуналар миқдорининг етарли бўлиши, тажрибаларнинг такрорланиши, натижаларни замонавий физиологик-биокимёвий тадқиқот усулларни қўллаш орқали олинганлиги, натижаларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокама қилинганлиги ва илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади. Назорат ва тажрибаларда олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стьюдент t-тести бўйича ҳисобланган ва қийматлар фарқининг ишончлилиги

$P < 0,05$  даражасида ифодаланган. Маълумотларни статистик ишлови замонавий (OriginPro 7.5, Excel, 2013) дастурлар асосида амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақамизнинг экстремал шароитлар омиллари таъсири остида мамлакатимиз шароитига мослашган ва мослашаётган қуён зотлари организмнинг қон ҳамда айрим физиологик кўрсаткичларини аниқланганлиги, уларда рўй берадиган ўзгаришларнинг илмий жиҳатдан тўлиқ асосланганлиги, натижаларнинг қон физиологияси соҳасининг назарий қисмини тўлдирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуёнларни уларга таъсир кўрсатувчи турли хил экологик ва иқлимий омилларни инобатга олган ҳолда парваришlash бўйича тавсияларни қўллаш, аҳолини сифатли гўшт маҳсулотлари билан барқарор таъминловчи заҳиралар хилма-хиллигини оширишга, хориждан келтирилган зотларни самарали иқлимлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мамлакатимиз шароитига мослашган (Шиншилла) ва мослашаётган (Янги Зеландия) қуён зотлари организмнинг физиологик-биокимёвий ва чидамлилиқ статусларига ноқулай омилларнинг таъсирини баҳолаш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

ташқи муҳитнинг ҳароратига боғлиқ тарзда қуёнларни парваришlash асосида улардаги физиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Darg‘om agrovelian” МЧЖ ва Ургут тумани “Uchqun” фермер хўжалигида қуёнларни парваришlash жараёнларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-44-сонли маълумотномаси). Натижада қуёнлар физиологик ҳолатларини яхшиланиши ҳисобига иқтисодий самарадорликни 13,3% га ошириш имконини берган;

атмосферанинг ифлосланиш даражасига боғлиқ тарзда қуёнларни парваришlash асосида улардаги физиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ro‘ziboev Xomid” фермер хўжалигида қуёнларни парваришlash жараёнларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-44-сонли маълумотномаси). Натижада бир бош қуёндан олинадиган соф фойданинг 10,5% га ошириш имконини берган;

ҳарорат ўзгаришининг қуёнлар қонини гематологик, биокимёвий кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги (қоннинг хужайравий, оксилли иммунобиологик) рақамли маълумотлар Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятининг чорвачилиқ маҳсулдорлигини баҳолаш ва экологик мониторингини олиб бориш жараёнлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 декабрдаги 03-03/2-4615-сон маълумотномаси). Натижада ҳайвонлар учун ҳароратнинг оптимал кўрсаткичларини аниқланиши ҳудуд биохилма-хиллиги



барқарорлигини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланиган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 103 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳайвонлар организмга ташқи муҳитнинг ноқулай омилларини таъсири бўйича замонавий манбаларнинг таҳлили”** деб номланувчи I бобида, янги замонавий адабиётлардан самарали фойдаланган ҳолда атроф муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига, ҳайвонлар организмнинг кўрсатадиган фаол реакциялари, ҳайвонлар организмнинг турли инфекцион ва инвазион касалликларга қарши курашадиган қобилятига (табiiй чидамлилигига) турли критик (паст ва юқори) ҳароратларнинг таъсири, барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг янги шароитга иқлимлашиш жараёнлари пайтида, уларнинг организмда, қони таркибидаги морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини ўзгаришларини юзага келиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш, маҳсулдорлигини сақлаб қолиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар кенг ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудлари, объектларининг умумий тавсифи ва фойдаланилган услублар”** деб номланувчи II бобида тадқиқот ишлари бажариладиган ҳудудларнинг климатик, озуқавий ва географик параметрлари, олиб бориладиган тадқиқотларнинг текшириш ва таҳлилий ишларининг бажарилиш тартиби ва умумий чизмаси тавсифланган. Бундан ташқари, қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун норма асосида қуёнларни озиклантириш тажрибаларни ташкил қилиш, озиклантириладиган рационларнинг таркибини, биологик қийматини ўрганиш, турли иқлимий – озуқавий омиллар таъсирига мослашган шиншилла зотли ва мослашаётган

Янги Зеландия зотли қуёнлар организмида юз берадиган қон ва қон зардобининг морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини ўрганиш ва қиёслаш усуллари баён қилинган.

Қуёнларнинг ёшига қараб, маълумотлар бўйича 1 энергетик озиқа бирлигига (1,042 МДж- АЭ) 100 г ҳазмланувчи протеин берилиши тавсия қилинади: рацион қуруқ моддасининг-15-20% хом клетчатка ва унинг рацион таркибидаги улуши истеъмол қилинаётган қуруқ модданинг таркибида 16-17% ни ташкил этиши зарур деб ҳисобланади. Озиқланиш нормалари қуёнларнинг тирик массаси, ёши ва физиологик ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда дифференцияланган (табақалаштирилган) ва улар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Қуёнларни бир кеча кундузлик озиқланиш рационини ва унинг тўйимлилиқ қиймати**

| Рацион таркибидаги озуқалар | Рацион таркибида |     | Озиқа бир. | Алмаш. энер.мДж | Ҳазмлан. протеин, г. | Қуруқ модда, г. |
|-----------------------------|------------------|-----|------------|-----------------|----------------------|-----------------|
|                             | г.               | %   |            |                 |                      |                 |
| Беда                        | 45               | 15  | 0,02       | 0,56            | 4,05                 | 38,34           |
| Янтоқ                       | 90               | 30  | 0,03       | 1,02            | 3,69                 | 78,87           |
| Маккажўхори                 | 30               | 10  | 0,04       | 0,33            | 1,92                 | 29,12           |
| Арпа                        | 15               | 5   | 0,02       | 0,21            | 1,45                 | 13,07           |
| Буғдой кепаги               | 30               | 10  | 0,022      | 0,27            | 2,61                 | 25,96           |
| Кунгаб. шроти               | 45               | 15  | 0,06       | 0,61            | 8,82                 | 41,61           |
| Сули уни                    | 36               | 12  | 0,034      | 0,39            | 4,32                 | 35,51           |
| Суяк уни                    | 7,5              | 2,5 | 0,006      | 0,066           | 1,16                 | 5,35            |
| Ош тузи                     | 1,5              | 0,5 | -          | -               | -                    | -               |
| Жами                        | 300              | 100 | 0,232      | 3,456           | 28,02                | 267,83          |

Диссертациянинг “**Экологик тоза ҳудуддаги қуёнлар организмнинг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари**» деб номланувчи III боби юқоридаги муаммоларнинг ечими борасида бажарилган тадқиқот ишлари бўйича олинган маълумотларнинг таҳлил натижалари баён қилинган. Организмга ҳар қандай ташқи ёки ички таъсиротчиларнинг таъсири, қон таркибининг морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини нормага нисбатан ўзгаришига олиб келади. Чунки қон асаб тизимидан кейинги ўринда турувчи, организмнинг яхлитлигини таъминловчи тизим ҳисобланади. Қоннинг шаклли элементлари ва уларнинг ҳосилаларини ноқулай омиллар таъсирида ўзгариши, организмнинг гомеостатик тизимларидаги ўзгаришларни, моддалар алмашинувини тезлашиш ёки сусайиш ҳолатларини ва организмнинг иммунологик тўрғунлигини қай ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Баҳор фаслида назорат гуруҳи қуёнлари таркибидаги эритроцитларнинг умумий миқдори физиологик норманинг энг пастки қисмида бўлсада, ёз

фаслида бу кўрсаткич 3,3 % га камайган бўлса, қиш фаслига келиб 11,3% ортганлигини кузатдик. Тажриба гуруҳи ҳайвонларида баҳор ва ёз ойларида меъёр чегарасидан паст бўлган бўлса, мос ҳолда  $5,2\pm 0,32$  ва  $4,4\pm 0,17$  млн/мм<sup>3</sup> ташкил этиши аниқланди ва қиш мавсумига келиб янги шароитга мослашаётган қуёнлар қонидаги эритроцитларнинг миқдори меъёр даражасига етганлигини ва мос ҳолда баҳор ва ёз ойларидагига нисбатан 23,07 ва 45,45 % ортиқ эканлиги аниқланган (2-жадвал).

2 - жадвал

**Экологик тоза ҳудуддаги қуёнлар қони шаклли элементларининг йил фасллари бўйича ўзгариши (n=5), (M±m)**

| Кўрсаткичлар                          | Гуруҳлар | Фасллар     |               |             |
|---------------------------------------|----------|-------------|---------------|-------------|
|                                       |          | Баҳор       | Ёз            | Қиш         |
| Эритроцитлар,<br>млн/мм <sup>3</sup>  | Назорат  | 6,2±0,46    | 6,0±0,19      | 6,9±0,46    |
|                                       | Тажриба  | 5,2±0,32*   | 4,4±0,17***   | 6,4±0,56*   |
| Тромбоцитлар,<br>минг/мм <sup>3</sup> | Назорат  | 320,0±3,25  | 366,0±3,22    | 340,0±3,25  |
|                                       | Тажриба  | 325,0±3,32* | 343,0±4,50*** | 345,0±3,72* |
| Гемоглобин,г/л                        | Назорат  | 130,0±2,22  | 104,0±2,37    | 136,0±2,72  |
|                                       | Тажриба  | 128,0±2,66* | 126,6±3,15*   | 136,0±2,66* |


Изоҳ: \*- $p>0.05$ ; \*\*\* -  $p<0.01$ ;

Қиш мавсумида ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳлар қони таркибидаги гемоглобиннинг концентрацияси бир хил  $136,0\pm 2,66$  г/л ташкил этган бўлса, ҳароратнинг кўтарилиши билан баҳор фаслида деярли бир хил даражада ўзгаришга (фарқ атиги 1,0-1,5%) учраган, камайиш томон мойиллик кузатилган.

Ёз фаслига келиб ҳароратнинг кескин кўтарилиши мослашиш жараёнини бошидан кечириётган қуёнларда баҳор фаслига нисбатан 1,1% га камайиш кузатилган бўлса, шароитга мослашган шиншилла зотли қуёнлар қонидаги гемоглобиннинг концентрацияси баҳор фаслидагига нисбатан 20% га камайиши таҳлил қилинган.

Демак, олган маълумотларнинг кўрсатишича юқори ҳарорат таъсири остида ҳайвонлар қонида эритроцитлар миқдори билан биргаликда гемоглобиннинг концентрацияси ҳам камайиши изоҳланган.

Альбуминлар организмда асосан пластик, қурилиш материал вазифасини ўтайди. Улар жигарда ҳосил бўлиб қонга чиқарилгандан сўнг турли органларга ташилади ва ҳар қайси органда шу органга хос альбуминларга айланиб, ҳужайраларнинг асосий компонентларидан бири бўлиши қайд қилинган (1-расм).



**1-расм. Қуёнлар қони таркибидаги оқсиллар фракцияларини йил фаслларига боғлиқ ҳолда ўзгариши**

$\beta$  -глобулинлар функцияси жиҳатдан қатор аҳамиятга эга бўлган оқсилларни қамраб олади. Айниқса, темирнинг ташилиши учун масъул бўлган трансферин оксидидир.

$\alpha$ -ва  $\beta$ -глобулин фракциялари липопротеинлар, металллар билан боғланган оқсиллардан тузилган бўлади. Қон зардобидаги катта миқдордаги антитаналар  $\gamma$ -глобулинлар фракциясида учрайди. Агар ушбу фракция оқсиллари камайса организмнинг чидамлилиги сусайиши кўзатилади.

Ҳар иккала қиёсланаётган гуруҳ қуёнлари қон зардоби оқсилларнинг умумий миқдоридаги альбуминлар ва глобулинларнинг улуши деярли бир хил миқдорда ёки норма чегарасида бўлиши билан ажралиб турди. Фақат қон зардобидаги оқсил индексини текшириб кўрганимизда уларнинг кўрсаткичлари баҳор фаслида (0,44) бир хил бўлган бўлса, ёз ва қиш мавсумларида 0,04 (0,51 ва 0,47 ҳамда 0,53 ва 0,50) бирликка шиншилла зотли қуёнлар фойдасига юқори бўлиши аниқланган.

Қон зардобидаги альбуминлар ва глобулинларнинг миқдори қиёсланаётган барча қуёнлар қонида норма чегарасида бўлиши билан бир қаторда  $\alpha$ - ва  $\beta$ -глобулинли фракциялари кўрсаткичлари қуёнлар организмидаги алмашинув жараёнларининг мўътадил кечишидан далолат беради ва бирозгина устунлик тажриба гуруҳи қуёнлари томонида бўлиши кўрсатилган.

$\gamma$ -глобулиннинг улуши энг юқори кўрсаткичи ёз мавсумида ҳар иккала қиёсланаётган гуруҳлар қуёнларида кузатилди: баҳор фаслида 13,4%, ёзда-19,0 ва қишда 11,0 % даражасида бўлиши аниқланди. Олинган маълумотларга кўра атроф муҳитнинг ҳарорати кўтарилиши билан қуёнлар организмининг ҳам иммун чидамлилигини ортиши изоҳланган.

Қуёнлар организмининг махсус иммун тизими функционал ҳолатини баҳолаш учун қон таркибидаги лейкоцитларнинг, лимфоцитларнинг ва иммунитетнинг Т- ва В- тизимларининг айрим кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Бажарилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, шиншилла зотли қуёнлар қонидаги лейкоцитларнинг миқдори баҳор фаслида хориждан келтирилган қуёнлар қонидагига нисбатан 5,5% га кам бўлганлигини

кўрсатган бўлса, қолган икки фаслда мос ҳолда 22,5 ва 7,3% га ортанлиги кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Қуёнлар қонидаги лейкоцит турларининг миқдорий кўрсаткичи  
(n=5), (M±m)**

| Кўрсаткичлар                         | Гуруҳлар | Фасллар       |               |             |
|--------------------------------------|----------|---------------|---------------|-------------|
|                                      |          | Баҳор         | Ёз            | Қиш         |
| Лейкоцитлар,<br>минг/мм <sup>3</sup> | Назорат  | 7,3±0,15      | 7,1±0,14      | 6,9±0,13    |
|                                      | Тажриба  | 7,7±0,57*     | 5,47±0,33***  | 6,40±0,50*  |
| Лимфоцитлар,%                        | Назорат  | 61,66±0,98    | 61,20±0,73    | 22,00±0,45  |
|                                      | Тажриба  | 53,50±1,56*** | 53,16±1,68*** | 21,17±0,48* |
| В-лимфоцитлар,%                      | Назорат  | 22,00±0,63    | 21,80±0,58    | 22,00±0,45  |
|                                      | Тажриба  | 21,50±0,56*   | 21,67±0,42*   | 21,33±0,33* |

Изоҳ: \*-p>0.05; \*\*\* - p<0.01;

Назорат гуруҳи қуёнлари қонидаги лейкоцитларнинг миқдори барча солиштирилаётган фаслларда жиддий ўзгаришга учрамаган бўлсада, тажриба гуруҳи ҳайвонларида камайишга мойиллик кузатилган.


Лимфоцитларнинг умумий миқдори бўйича ҳам фарқлар мавжудлиги аниқланди ва бутун йил давомида бу фарқлар  $0,60-0,80 \cdot 10^9$  г/л даражасида ўзгариб туриши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Худди юқоридагидек фарқлар фоизли кўрсаткичларда аниқланган. Шунини қайд қилиш керакки, ҳар иккала солиштирилаётган назорат ва тажриба гуруҳларида ҳам йилнинг барча фаслларида ҳам лимфоцитларнинг умумий миқдоридаги ўзгаришлар жиддий даражада бўлмади (ўзгаришлар  $0,08-0,10 \cdot 10^9$  г/л даражасида бўлди).

Маълумки, лейкоцитлар турларининг функциялари ҳам бир хил эмас, яъни гранулоцитларнинг ва моноцитларнинг функцияси фагоцитоз ҳисобланса, лимфоцитларники специфик иммунитетнинг шакллантиришдир. Демак, лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдорининг паст даражада бўлиши, Ўзбекистоннинг экстремал шароитига мослашаётган Янги Зеландия зотли қуёнлар организмнинг резистентлигини пастлигидан далолат беради.

Экологик муҳитнинг кескин ўзгариши натижасида иммуносупрессия томон иммунологик реактивликларнинг ўзгариши юз бериши ҳақида ҳам маълумотлар олинган ва бу ўзгаришлар Т- ва В-лимфоцитларнинг, ҳамда А, М ва G иммуноглобулинларнинг мутлоқ ва нисбий миқдорларининг камайиши сифатида намоён бўлиши келтирилган.

Иммунитетнинг специфик тизимининг функционал ҳолатини баҳолашда организмдаги иммуногенезнинг функционал ҳолатини акс эттирувчи хелперли–супрессорли лимфоцитларнинг субпопуляцияларининг нисбати муҳим аҳамиятга эга эканлиги келтирилган (2-расм).



## 2-расм. Куёнлар қонидаги иммун тизим ҳужайравий кўрсаткичларнинг йил фаслларига мос ҳолда ўзгариши

Бизнинг олган маълумотларимизда иммун синфнинг баҳор фаслида маълум даражада хориждан келтирилган зотли куёнларда шиншиллага нисбатан юқори бўлган бўлсада, кейинги мавсумларда шиншила зотли куёнларда нисбатан устунлик кузатилган.

Ҳужайравий иммунитетнинг текширишлар натижасида назорат ва тажиба гуруҳлари куёнлари қонидаги Т-лимфоцитларнинг миқдори бўйича фарқлар аниқланди (2-расм). Хориждан келтирилган Янги Зеландия зотли куёнлари қонидаги Т-лимфоцитларнинг миқдори шиншила зотли куёнлардагига нисбатан  $0,64 - 0,75 \cdot 10^9$  /л. паст бўлиши аниқланган.

Бундан ташқари, хориждан келтирилган куёнлар қонидаги Т-лимфоцитларнинг субпопуляциялари бўйича фарқлар ҳам аниқланди. Йил фасллари бўйича Т-хелперлар, Т-супрессорлар ва Т-фаол лимфоцитларнинг миқдори мос ҳолда  $0,35:0,40:0,46$ ,  $0,36:0,28:0,29$  ва  $0,47:0,51:0,56 \cdot 10^9$  г/л назорат гуруҳидагидан кам бўлиши таҳлил қилинган.

Назорат гуруҳидаги куёнлар қонидаги лимфоцитларнинг хелперли – супрессорли субпопуляциялари нисбатини аниқлаш учун олиб борилган статистик маълумотлар бўйича баҳорда -1,5, ёзда -1,12 ва қишда – 1,17 марта тажиба гуруҳидагига нисбатан кам бўлиши изоҳланган.

Хориждан келтирилган куёнлар қонидаги Т- ва В-лимфоцитлар ҳамда уларнинг субпопуляциялари миқдорининг назорат гуруҳидагидан кам

бўлиши, улар қонидаги ҳужайравий ва гуморалли иммунитетларнинг тўла қонли фаолият кўрсатмаётганидан, иммунитетнинг специфик тизимининг паст даражада эканлигидан, демак, организмнинг иммун статусининг пастлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Қуёнлар организмнинг физиологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига критик ҳарорат ҳамда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасининг таъсири”** деб номланувчи IV-бобида критик ҳолатларга организмнинг мослашуви, унинг функцияларини миқдорий ва сифатий жиҳатдан ўзгариши орқали эришиш мумкинлиги таҳлил қилинган. Олинган маълумотларга кўра шиншилла зотли назорат гуруҳи қуёнлари қонидаги эритроцитларнинг миқдори амалда норманинг паст кўрсаткичи даражасида бўлсада, меъёр чегарасида қолганлигини эътироф этамиз. Лекин бизнинг мамлакатимиз шароитига мослашаётган Янги Зеландия зотли қуёнларда эса йил фаслларида мос ҳолда солиштирилаётган мавсумларнинг қишида 5,6 ва 5,2 млн/мм<sup>3</sup> даражасида бўлган бўлса, ҳароратнинг кўтарилиши, жумладан, ёз ойларида ҳар икки ҳудудда ҳам нормадан пасайиб кетганлиги кузатилди, яъни 3,3 ва 3,2 млн/мм<sup>3</sup> бўлиши аниқланган.

Лекин тажриба гуруҳи ҳайвонлари қонидаги лейкоцитларнинг миқдори қиш фаслида 11,12 % дан 12,7% гача кам бўлганлиги билан изоҳланади. Юқоридаги кўрсаткич ёз фаслида (9,0% дан 4,5% гача) бир мунча мувозанатланиш томонига силжиганлигидан далолат беради. Қиш мавсумидан кейин баҳор ва ёз ойлари мобайнида Янги Зеландия зотли қуёнлар организмнинг мамлакатимизни ноқулай омиллари таъсирига мослашиши бир мунча қулай кечаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, лейкоцитлар орасида нейтрофиллар, жумладан, сегмент- ва таёқча ядролар организмнинг турли критик ҳароратлари таъсирига мослашишда муҳим аҳамият касб этади. Қиш мавсумида ўртача ифлосланган муҳитда, ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳлардаги қуёнлар организмидаги сегмент ядроли нейтрофилларнинг миқдори, амалда бир хил кўрсаткичга эга бўлиши қайд этилган ( $36,0 \pm 0,83\%$  ва  $35,2 \pm 1,64\%$ ), ёз мавсумида эса хориждан келтирилган қуёнлар қонида 60,7% га юқори бўлиши қайд қилинган.

Жадал ифлосланган ҳудудда ҳам хориждан келтирилган қуёнлар қони таркибида сегмент ядроли нейтрофиллар миқдорининг ортиши қиш мавсумида 18,6% ва ёз мавсумида 36,1 % гача эканлиги кузатилган.

Ҳар иккала солиштирилаётган ҳудудларда урчитилаётган қуёнлар қонидаги таёқча ядроли нейтрофилларнинг миқдори, шиншилла зотли қуёнлардагига нисбатан Янги Зеландия зотли қуёнларда анча паст бўлганлиги қайд этилган. Бизнинг назаримизда солиштирилаётган гуруҳлар орасидаги бундай тафовутларнинг юзага келиши Янги Зеландия зотли қуёнлар организмнинг инфекцияга қарши курашиш қобилятининг паст эканлигидан далолат беради.

Турли даражадаги ифлосланган ҳудудлар ва турли даражадаги критик ҳароратларнинг таъсирини ўрганиш давомида қуёнлар қони таркибидаги

зардоб оксиллари ва унинг фракцияларини ўрганиш қатор ўзгаришлар қонуниятларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланган.

Қон плазмаси таркибидаги умумий оксилларнинг миқдори одатда ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинаётган озикланиш рационлари таркибидаги ҳазмланувчи протеиннинг миқдори ва ҳазмланган миқдорининг ўзлаштирилиш даражалари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги келтирилган.

Қиш мавсумида шиншилла зотли қуёнларнинг қон зардобидagi умумий оксилнинг миқдори бир хилда қиш мавсумида  $65,0 \pm 1,9$  ва  $64,0 \pm 1,7$  г/л ни ташкил этган бўлса, ёз мавсумида  $58,1 \pm 2,1$  ва  $57,3 \pm 1,4$  г/л ни ташкил этган.

Хориждан келтирилган қуёнлар қонида эса қиш мавсумида  $58,1 \pm 1,8$  ва  $57,0 \pm 1,8$  г/л ни ва ёз мавсумида эса  $57,3 \pm 1,7$  ва  $54,7 \pm 1,3$  г/л ни ташкил этди. Бу эса тажриба гуруҳи қуёнлари қон зардобидagi умумий оксилнинг миқдори назорат гуруҳидagига нисбатан қиш мавсумида  $10,9\%$  ва ёз мавсумида эса  $3,0\%$  га кам бўлганлиги кўрсатилган.

Назорат гуруҳи қуёнлари қони таркибидаги альбуминларнинг улуши  $61,0\%$  ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида  $7,0\%$  га кам эканлиги аниқланди, аналогик ҳолатдаги ўзгаришлар ўртача жадалликда бузилган ҳудудда ёз мавсумида ва жадал ифлосланган ҳудудларда ҳар иккала шароитда ҳам назорат гуруҳи қуёнлари қонида тажриба гуруҳидagига нисбатан  $10,0\%$  дан  $12,4\%$  гача юқори эканлиги аниқланган.

Қон таркибидаги глобулинларнинг улуши назорат гуруҳида тажриба гуруҳи қуёнларидагига нисбатан  $3,0\%$  дан  $12,6\%$  гача кам бўлиши кузатилди.

$\alpha$ - ва  $\beta$ -глобулинларнинг ҳам қон таркибидаги фоизли улуши бизнинг назаримизда худди умумий оксилларнинг миқдори сингари рационда истеъмол қилинган протеиннинг миқдorigа боғлиқ ҳолда ўзгаришга учраган бўлиши мумкин, чунки қиш мавсумида истеъмол қилинган озуқалар таркибидаги ҳазмланувчи протеиннинг миқдори, бизнинг назаримизда қуёнлар организмнинг кунлик эҳтиёжини қопламаган бўлиши мумкин. Чунки Янги Зеландия зотли қуёнларнинг тирик вазни шиншилла зотли қуёнлар тирик вазнидан ўртача-  $21,0 - 27,0\%$  гача юқори эканлиги тажрибалар давомида аниқланган.

$\gamma$ -глобулинларнинг қон таркибидаги улуши қиш мавсумида Янги Зеландия зотли қуёнларда шиншилла зотли қуёнларга нисбатан  $18,56\%$  га, ёз мавсумида эса  $29,8\%$  га ортиқ бўлиши аниқланди. Аналогик тарздаги ўзгариш жадал ифлосланган ҳудудда қиш мавсумида ҳам кузатилган бўлса, ёз мавсумида эса тажриба гуруҳи қуёнлари қонидаги  $\gamma$ -глобулинларнинг улуши ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳлар қуёнлари қонида кескин ортиши  $53,0 \pm 1,46\%$  ва  $47,9 \pm 1,5\%$  га ортиши таҳлил қилинган.

Бизнинг назаримизда ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳларда ҳам  $\gamma$ -глобулинлар улушининг ортиши, қуёнлар организмнинг табиий чидамлилигининг ортишидан далолат беради.

Ифлосланиш даражаси нисбатан тоза бўлган ҳудудларда урчитилаётган шиншилла зотли қуёнлар қон зардобининг бактериоцидлик ва лизоцимли фаолликлари ўртача ва жадал ифлосланган ҳудудлардаги қуёнларда қиёсланганида улар мос ҳолда  $84,3$ ;  $68,4\%$  ва  $85,4$ ;  $71,5\%$  ни ташкил этишини



ёки уларнинг нисбати 15,3; 31,6% га ва 14,1; 28,5% га паст бўлиши аниқланган.

Хужайравий иммунитетни тавсифловчи қоннинг фагоцитар фаоллиги тоза ҳудудда урчитилган қуёнлар қонида 42,3% ни ташкил этган бўлса, ўртача ва жадал ифлосланган ҳудудлардаги қуёнлар қонидагидан мос ҳолда 18,2 ва 31,4% га паст эканлиги аниқланди ёки тоза ҳудудда урчитилаётган қуёнлар қонининг фагоцитар фаоллиги 81,8 ва 68,6% ни ташкил этиши келтирилган.

